

Дин насиҳатдир

09:53 / 20.03.2019 1771

نَعْنَعُ، هَلْ لِي ضَرْبٌ يَرُدُّ لِي مِمَّا مَتَّعَ
:أَنْ لِقُ «عَ حَيِّ صِّنْ لِي نِي دَلَا» :لِقُ يَبِّنْ لِي
هَلْ وَسَّرَلَوْ هَبَاتِكِ لَوْ هَلْ «: لِقُ ؟ نَمَلْ
مَلْسُ مْ هَاوَرِ . «مِهْتَمَّاعَ وَ نِي مَلْسُ مَلَا مَّيَّأَلِ وَ

14. Тамим Дорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«**Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дин насиҳатдир**
(холисликдир)», **дедилар**».

«**Ким учун?**» дедик. «**Аллоҳ учун, У Зотнинг Китоби учун, У Зотнинг**
Расули учун ва мусулмонларнинг имомлари ҳамда оммалари учун
(холисликдир)», **дедилар**».*

Муслим ривоят қилган.

* Аллоҳ учун холислик – У Зотга, Унинг сифатларига иймон келтириш, У
Зотни барча нуқсонлардан поклаб, У Зотга итоат этиш.

У Зотнинг Китоби учун холислик – унинг Аллоҳнинг каломи эканига иймон
келтириш, уни улуғлаш, тиловат қилиш ва унинг аҳкомларига амал
қилишдир.

У Зотнинг Расули учун холислик – У зотнинг Аллоҳнинг Расули эканига ишониш, У зот келтирган шариатга иймон келтириш, У зотга итоат этиб, нусрат бериш ва суннатларини тирилтириш.

Мусулмонларнинг имомлари учун холислик – ҳоким ва амирларга ҳақ узра ёрдам бериш, уларга итоат этиш, унутган нарсаларини эслатиш, уларга қарши хуруж қилмаслик ва раиятнинг қалбини уларга улфат қилиш.